

# Адлия органлари ва муассасалари фаолиятига оид маълумотлар

## РЎЙХАТИ

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишидаги фаолият;

фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларининг таҳлили ва уни такомиллаштириш борасидаги фаолият;

тадбиркорликни ҳуқуқий таъминлаш ва ривожлантиришнинг самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларга доир фаолият;

хўжалик юритувчи субъектларга шартномаларни, энг аввало қшплек хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги хўжалик шартномаларини тузишда ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бу борадаги қонунбузилишларга қарши кураш борасидаги фаолият;

шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар ишлаб чиқашга доир фаолият;

юримдик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қонунийликка риоя қилинишини таъминлаш борасидаги фаолият;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларда қонунийликка қатъий риоя этилиши борасидаги фаолият;

фуқаролик жамияти институтларининг ҳар томонлама ривожланишини, уларнинг аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фаол иштирокини ҳуқуқий таъминлаш борасидаги фаолият;

нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолият кўрсатишининг қонунийлигини, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни таъминлаш, мамлакатда рўйхатдан ўтган халқаро ва хорижий нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисидаги фаолият;

жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишлари борасидаги фаолият;

судлар фаолиятини ҳар томонлама моддий-техникавий ва молиявий таъминлаш, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишига, суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш борасидаги фаолият;

нотариат, адвокатура, ФҲДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалари борасидаги фаолият;

бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолият;

Адлия органлари ва муассасаларининг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари борасидаги фаолият;

тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги фаолият;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек, бошқа юридик адабиётлар нашр этилишини таъминлаш борасидаги фаолият;

жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш борасидаги фаолият;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлаш борасидаги фаолият;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда малака комиссиялари ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш борасидаги фаолият;

адвокатларга лицензиялар беришни ва адвокатлик тузилмаларини (адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик ҳайъатлари) давлат рўйхатидан ўтказишни, шунингдек юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга қўйиш борасидаги фаолият;

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Республика юристлар малакасини опшириш маркази, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент юридик коллежи, Академик лицейга доир фаолият;

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами”лари ҳамда илмий-оммабоп адабиётларнинг нашр этилиши ва уларни тарқатишга доир фаолият.